

**“Ўзбекистон металлургия комбинати” акциядорлик жамиятининг
2020 йил якунлари бўйича соф фойдани тақсимлаш тартиби.**

“Ўзбекистон металлургия комбинати” акциядорлик жамиятининг (келгусида – Комбинат) 2020 йилдаги молиявий-хўжалик фаолияти бўйича ҳисоботлари асосида Комбинат соф фойдасини тақсимлаш масаласи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги билан келишилган ҳолда соф фойданинг 75% тақсимланиши тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги томонидан 2021 йил 12 майда 01/07-2-17-733-сонли топшириқ олинган.

Шунингдек, Комбинат Кузатув кенгашининг 2021 йил 10 июндаги 4-сонли мажлис баёнида Комбинатнинг 2020 йил якунлари бўйича олган **220 274 748,00** минг сўм соф фойдасини тақсимлаш бўйича тавсиялар берилган ва 2021 йил 30 июнда бўлиб ўтган Комбинат акциядорларининг 51-сонли йиллик умумий йиғилишида дивиденд тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган.

Дивидендларни тўлаш учун соф фойданинг 75% ёки **165 206 061,00** сўм ажратилган (солиқларни инобатга олган ҳолда), шу билан биргаликда 1 дона оддий акция учун **3807,13** сўм, бир дона имтиёзли акция учун **300** сўм (номинал қийматидан 6%) миқдорида дивиденд тўлаш бўйича қарор қабул қилинган.